

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.B.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

ДУСМАТОВА ГУЛБАХОР АБДУРАШИДОВНА

**ВЎЗАНИНГ ЎРТА, УЗУН ТОЛАЛИ НАВЛАРИ ДУРАГАЙЛАРИДА
МОРФО-ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ,
ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ, БОҒЛИҚЛИГИ ҚОНУНИЯТЛАРИНИ
ЎРГАНИШ**

03.00.09 – Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Дусматова Гулбахор Абдурашидовна

Гўзанинг ўрта, узун толали навлари дурагайларида морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, боғлиқлиги қонуниятларини ўрганиш..... 3

Дусматова Гулбахор Абдурашидовна

Изучение закономерностей наследования, изменчивости, корреляции морфо-хозяйственных признаков у гибридов средне, длинноволокнистых сортов хлопчатника..... 21

Dusmatova Gulbahor Abdurashidovna

Studying the patterns of inheritance, variability, correlation of morpho-economic traits in hybrids of medium, long-fiber varieties of cotton..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

ДУСМАТОВА ГУЛБАХОР АБДУРАШИДОВНА

**ВЎЗАНИНГ ЎРТА, УЗУН ТОЛАЛИ НАВЛАРИ ДУРАГАЙЛАРИДА
МОРФО-ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ,
ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ, БОҒЛИҚЛИГИ ҚОНУНИЯТЛАРИНИ
ЎРГАНИШ**

03.00.09 – Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/B208 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.genetika.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қаҳҳаров Иззатулла Тилавович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Набиев Сайдиғани Мухторович

биология фанлари доктори, катта илмий ходим

Эгамбердиева Саида Абдисаматовна

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Тошкент Аграр университети

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-23-90, E-mail: igebr@academy.uz).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз. Тел.: (+99871) 264-23-90.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

И.Дж.Курбанбаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д.

Б.Х.Аманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., катта илмий ходим

Ш.Юнусханов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ишлаб чиқаришнинг замонавий талабларига жавоб бера оладиган, ҳосилдор, кўсаги йирик, тола чиқими юқори, касаллик, зараркунанда ҳамда ташқи муҳитнинг стресс омилларига чидамли ўрта ва ингичка толали ғўза навларини яратиш, такомиллаштириш ҳамда наводорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатларида пахтанинг 85% етиштирилади»¹. Бу эса жаҳон пахта бозорида рақобатбардош янги ўрта ва ингичка толали ғўза навларини яратиш, уларнинг қимматли хўжалик белгилари, жумладан, тезпишар, ҳосилдор, толанинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш бўйича селекцион тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда ўрта ва ингичка толали ғўзанинг қимматли хўжалик белгиларини яхшилашга йўналтирилган узоқ шаклларни дурагайлаш ишлари кенг миқёсида фойдаланиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу эса селекция жараёнида дурагайларнинг морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, коррелятив боғлиқлиги, тола сифати ва чиқимининг генетик бошқарилиш аниқлаш, миқдорий белгиларнинг полигенлар билан назорати қилиш кўрсаткичларини ошириш, частиштиришда турли геномни турлардан кенг фойдаланиш асосида янги истиқболли тизма ва навлар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда мустақиллик йилларида олимларимиз томонидан ғўзанинг қимматли хўжалик белгилар мажмуасига эга қатор ўрта ва ингичка толали янги навлар яратиш асосида пахтачиликда турли экстремал омилларга таъсирга генетик жиҳатдан бойитилган чидамли ўрта ва ингичка толали ғўза навларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² «касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва жорий этиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўрта ва узун толали ғўзанинг ота-она шаклларини танлаб олиш, уларнинг дурагайларида морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва боғлиқлик хусусиятларини қиёсий тадқиқ этиш, маҳсулдорлик бўйича ижобий гетерозис самарасига эга F₁ дурагай комбинацияларни аниқлаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, F₂ авлодида генотиплари бойитилган қимматли рекомбинант шаклларни ажратиб олиш имкониятларидан фойдаланиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси

¹www.cicr.org

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги 53-сон «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғўза генетикаси ва селекцияси бўйича хорижий олимлардан M.J.Baloch et al. (2002) бошланғич манбалар ва F_1 - F_2 дурагайлариининг маҳсулдорлиги ва тола сифат кўрсаткичларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини, J.V.Ferrari et al. (2015) бош поя баландлигининг ҳосилдорликка таъсирини, M.Yaqoob et al. (2016) ҳосилдорлик ва толанинг сифат кўрсаткичларига генларнинг ўзаро таъсирини ўрганганлар. Y.Cai (2013), P. Dai (2019), A.Rehman et al. (2020) *G.hirsutum* L. турига мансуб навлар толасининг сифат кўрсаткичларига муҳит омилларининг таъсирини, A.Rehman, M.Farooq (2019) ғўзанинг ҳосилдорлиги ирсият ва ташқи муҳит омилларига боғлиқ эканлигини қайд этганлар. Q.Liu et al. (2012) уруғлик чигит ва тола сифат кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинган.

МДХ мамлакатларида Ю.И.Дедова (2009), Г.В.Коренев ва бошқалар (1990), Дж.М.Лайсхрам (1984), М.Д.Носирова (2011), Р.Бердимуратов ва Ш.Акмурадов (1989) лар *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турларига мансуб нав ва тизмаларни чатиштириб олинган дурагайлариининг қимматли-хўжалик белгиларини ўрганишда тола сифат кўрсаткичларига алоҳида эътибор беришган. Мамлакатимизда С.Ғ.Бобоев, А.Муратов (2019), П.Ш.Ибрагимов (2019), Э.Я.Каримов, А.А.Мамарўзиев (2020), С.Матёкубов ва Ш.Намазов (2019), Б.Х.Аманов, Ш.А.Саманов, (2019), М.Р.Тўхлиев (2020), В.А.Автономов (2018), Ш.Ю.Кадиров (2018) лар ғўзада турлараро ва туричи чатиштириш ишларини олиб бориб, F_1 ва F_2 ўсимликларидан қимматли-хўжалик белгиларига эга дурагай комбинациялари ва рекомбинантларни ажратиб олишган. С.М.Ризаева, А.А.Абдуллаев, Б.Х.Аманов (2018) лар турлараро дурагайлаш асосида яратилган тизмаларининг қимматли-хўжалик кўрсаткичларига тавсиф беришган.

Бироқ, ўрта толали *G.hirsutum* L. ва узун толали *G.barbadense* L. ғўза турларига мансуб ота-она шакллариини турлараро ва туричи чатиштиришдан олинган дурагайларида морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва корреляцияси даражасини ўрганиш асосида генотипи

бойитилган селекцион ашёлар ажратиб олиш борасида етарли даражада тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий тадқиқот ишлари режасининг №ФА-А-ҚХ-2018-26 «Ўзанинг *G.hirsutum* L. турининг янги нав ва тизмалари популяцияларини турғунлигини сақланиши жараёнларини ўрганиш, навдор, оригинал ва элита уруғлик етиштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзанинг *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турига мансуб тизма ҳамда навларини туричи ва турлараро чатиштириш асосида олинган дурагайларида морфо-хўжалик белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва боғлиқлиги қонуниятларини аниқлаш ҳамда қимматли селекцион ашёларни ажратиб олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзани турли генотипли *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турига мансуб тизма ҳамда навларини бошланғич ашё сифатида танлаш;

F₁-F₂ ўсимликларида морфо-хўжалик белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлик хусусиятларини гибридологик таҳлил қилиш;

диаллел чатиштириш асосида олинган дурагайлар уруғларининг морфологик кўрсаткичларини ўрганиш;

F₁ дурагайларнинг морфо-хўжалик белгиларининг ўзаро боғлиқлик даражасини аниқлаш;

қимматли-хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга F₁ комбинацияларини ажратиш ва ишлаб чиқаришда синаш;

янги ирсий асосга ва фойдали комплекс белги-хусусиятларга эга бўлган F₂ ўсимликларидан рекомбинантларни аниқлаш ва уларни селекция жараёнига тавсия этиш;

чекланган шохланиш типли, ётиб қолишга чидамли Л-20 тизмасини навдорлигини яхшилаш ва барқарорлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзанинг *G.hirsutum* L. турига мансуб турли генотипли Наманган-77, 75007-11 (Австралия), ЎзФА-703 навлари Л-20 (чекланган шохланиш типли) тизмаси, *G.barbadense* L. турига мансуб Иолатан-14 (Туркманистон), Марварид навларидан ва уларнинг диаллел F₁-F₂ ўсимликлари олинган

Тадқиқотнинг предмети *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турларига мансуб тизма ва навларини дурагайлашдан олинган туричи ва турлараро F₁-F₂ ўсимликларида морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва коррелятив боғлиқлиги таҳлиллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ўза генетикаси ва селекциясининг классик услублари, туричи ва турлараро дурагайлаш, гибридологик таҳлил, фенологик кузатувлар, қиёсий морфология ва генетик-статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор узун ва ўрта толали турларига мансуб тизма ва навларнинг биринчи авлод дурагайларида битта кўсакдаги пахта оғирлиги, ўсимликдаги кўсаклар сони, тола узунлиги ва маҳсулдорлик каби қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши асосан ижобий ўта устунлик ҳолатида кечиши аниқланган;

турлараро F_1 комбинацияларида ўсимлик бўйи, ўсув даври битта кўсакдаги пахта вазни ва 1000 дона чигит оғирлиги каби морфоҳўжалик белгилари, асосан, ингичка толали нав оналик шакли сифатида олинганда тўлиқсиз салбий ўта доминант ҳолатларида ирсийланиши аниқланган;

реципрок F_1 комбинацияларида қимматли хўжалик белгиларнинг кўрсаткичлари бўйича статистик фарқланиш мавжудлиги асосида бу белгиларнинг генетик назоратида ядровий генлар билан бир қаторда цитоплазматик генлар иштирок этиши очиқ берилган;

F_2 дурагайларида чигит тукининг ранги бўйича ота-она шаклларида учрамаган янги кулранг белгининг намоён бўлиши генларнинг комплементар таъсири билан боғлиқлиги аниқланган;

F_2 ўсимликларида қимматли-хўжалик белгиларнинг ўзгарувчанлик кўлами ота-она шаклларига нисбатан кенг эканлиги ва бу ҳолат тезпишар, маҳсулдор, юқори кўрсаткичли хўжалик белгилари мажмуасига эга генотиплар ажратиб олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

узун ва ўрта толали ғўза тизма ва навларининг хўжалик белгилари бўйича ўсув даврини аниқлаш асосида генетик-селекцион тадқиқотларда ЎзФА-703 навидан тезпишарлик, хўжалик маҳсулдорлиги, умумий маҳсулдорлик, тола чиқими ва узунлиги; 75007-11 навидан тола узунлиги; Марварид, Иолатан-14 навларидан толани сифат кўрсаткичлари; Л-20 тизмасидан тола чиқими юқори, машина теримига мос, умумий маҳсулдорлик, тола чиқими ва ўсимликдаги кўсаклар сони; бўйича қимматли бошланғич манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган;

туричи ва турлараро реципрок F_1 ўсимликларида тезпишарлик, қимматли хўжалик белгилар ва умумий маҳсулдорлик бўйича юқори гетерозис самарасига эга комбинациялар аниқланган, F_2 авлодида янги ирсий асосга эга ва юқори кўрсаткичли рекомбинантлар ажратиб олинган;

ғўзанинг чекланган шоҳланишли, ётиб қолишга чидамли хусусиятлари, хўжалик ва тола сифати юқори бўлган Л-20 тизмаси ажратиб олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган кўп йиллик дала тажрибаларнинг методик жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги ва апробация комиссиялари томонидан юқори баҳоланганлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан тасдиқланганлиги ва статистик таҳлил қилинганлиги, хулосаларнинг илмий ва амалий асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг маҳаллий илмий журналларда чоп этилганлиги, янги ўрта толали ғўзанинг Л-20 линиясининг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турларига мансуб ғўза навларининг дурагайларида морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, белгилар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик қонуниятлари ўрганилганлиги, навлар ва F_1 дурагайларининг маҳсулдорлик потенциали аниқланганлиги, белгиларнинг ирсийланишида ядровий генлар билан бир қаторда цитоплазма генларининг ҳам иштирок этиши, генларнинг комплементар таъсири аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турлари шаклларининг дурагайлари асосида маҳсулдорлик бўйича ижобий гетерозис самарасига эга F_1 комбинациялари аниқланганлиги ва амалиётга тадбиқ этилганлиги, F_2 авлодидан генотиби бойитилган тезпишар, серҳосил, толасининг сифати кўрсаткичлари юқори бўлган селекцион ашёлар ажратиб олинганлиги ва чекланган шохланиш типли, ётиб қолишга чидамли Л-20 тизмаси селекция жараёнида донор сифатида ҳамда амалиётда қўллашга тавсия этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турлари шаклларининг F_1 - F_2 дурагайларида морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва боғлиқлиги қонуниятларини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

узун ва ўрта толали F_1 дурагайлари Андижон вилояти Андижон тумани “Эсонбой” фермер хўжалиги ер майдонларига экилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 19.11.2020 йил 02/020-3868-сон маълумотномаси). Натижада, қимматли хўжалик кўрсаткичлари бўйича юқори ҳосил олиш имконини берган;

чекланган шохланишли, ётиб қолишга чидамли ғўзанинг ўрта толали Л-20 тизмаси “Ўзбекистон генофонди” ноёб объекти коллекциясига киритилган (Ўзбекистон Фанлар академиясининг 2020 йил 16 декабрдаги 4/1255-2821-сон маълумотномаси). Натижада, бу тизма ўрта толали ғўза коллекцияси хилма-хиллигини бойитиш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, тавсия, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ёўзанинг *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турлари шакллариининг дурагайларида морфо-хўжалик белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва боғлиқлиги**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси доирасида республика, МДХ ва хорижий давлатлар олимларининг *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турлари навларининг морфо-хўжалик белгиларини, уларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, ўзаро боғлиқлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлари шарҳи келтирилган. Ёрта ва узун толали ёўза генетикаси ва амалий селекцияси соҳасида олиб борилган изланишлар натижалари, жумладан, қимматли-хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга янги шакллар ва навларни яратишда турлараро, туричи ва нав-тизмалараро дурагайлаш услубларидан фойдаланишнинг аҳамияти ва самарадорлиги масалалари очиб берилган. Кейинги йилларда Ёзбекистонда яратилган ёрта ва узун толали ёўза навларининг донорлик салоҳияти, уларнинг дурагай авлодларида морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаганлиги таъкидланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароитлари, манбалари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказиш шароитлари, манбалари ва тадқиқотларда фойдаланилган ёўза генетикаси ва селекциясининг услублари, генетик-селекцион статистика таҳлили услублари баён қилинган.

Диссертациянинг «**F₁ ўсимликларида морфо-хўжалик белгилари кўрсаткичларининг ирсийланиши ва боғлиқлиги таҳлили**» деб номланган учинчи бобида *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турларига мансуб навлар ва линиянинг дурагайлаш натижасида олинган F₁ ўсимликларида морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги маълумотлар баён этилган. Бобнинг биринчи бўлимида F₁ ўсимликлари ўсув даврларининг ирсийланиши бўйича олинган натижалар таҳлили асосида бу кўрсаткич 3 гуруҳга яъни экишдан-шоналашгача, экишдан-гул очилишигача ва экишдан пишиш (кўсакларнинг очилиши) гача бўлган муддат бўйича ўрганилган (1-жадвал).

F₁ дурагайларида “экишдан-шоналашгача бўлган муддат” бўйича ижобий оралиқ ҳолатда ирсийланиши Л-20 х ЁзФА-703 (hp=0.40), 75007-11 х Л-20, Л-20 х 75007-11 (hp=0.14) комбинацияларида, экишдан гуллагунгача

бўлган муддат бўйича ЎзФА-703 х Марварид ($h_p=0.14$), экишдан-кўсак очилишигача бўлган муддат бўйича Иолатан-14 х Наманган-77 ($h_p=0.86$), ЎзФА-703 х Марварид ($h_p=0.85$) комбинацияларида кузатилиб, ўсимликлар биологик жиҳатдан яхши ривожланганлиги аниқланди. Аксинча, экиш-шоналаш ва экиш-гуллашгача муддатлари бўйича Иолатан-14 ва Марварид навлари иштирок этган барча дурагайларда ирсийланиш ота ёки она шаклларига боғлиқ ҳолда кечиб, салбий ўта доминантлик, тўлиқсиз доминантлик ҳолатлари кузатилди. Экиш-пишиш даври бўйича эса асосан *G.hirsutum* L. туричи дурагайларида салбий ўта доминантлик ва тўлиқсиз доминантлик ҳолатлари аниқланди. Бундай салбий ирсийланиш ҳолатларининг кузатилганлиги ота-она шаклларига нисбатан эртароқ шоналайдиган, гуллари ва кўсақлари эрта очилади, яъни тезпишар ўсимликлар шаклланганидан далолат беради. Таҳлилларга кўра, экишдан-шоналашгача ва экишдан-гуллашгача бўлган муддатлари ота-она шаклларига нисбатан қисқароқ ўсимликлар мавжудлиги турлараро дурагайларда яққол кўринди.

Ота-она сифатида Наманган-77, 75007-11, ЎзФА-703 навлари ва Л-20 линияси иштирок этган дурагайларда экиш-пишишгача бўлган муддат бўйича тезпишар ўсимликлар кузатилди (1-жадвал). F_1 ўсимликларида мазкур белгининг ирсийланиши ота-она шакллариининг келиб чиқишига боғлиқ эканлиги аниқланди.

Бобнинг иккинчи бўлимида F_1 ўсимликларида бош поя баландлиги белгисининг ирсийланиши ота-она шакллариининг генотипига боғлиқ ҳолда устунлик турли ҳолатларда намоён бўлиши келтирилган. 75007-11 х Иолатан-14 комбинациясида ўта устунлик ($h_p=4.48$), Иолатан-14 х Марварид комбинациясида салбий ўта устунлик ($h_p=-14.6$), яъни салбий гетерозис, Иолатан-14 х Наманган-77 ва Иолатан-14 х 75007-11 дурагайларида ота ёки она шаклларига боғлиқ ҳолда тўлиқ устунлик ($h_p=-1.0$) қайд этилди. Марварид х Наманган-77 ва Наманган-77 х Иолатан-14 дурагайларида тўлиқсиз устунлик мос равишда ($h_p=0.48$) ва ($h_p=-0.58$) аниқланди. Ота-она шаклларига нисбатан баланд бўйлилик Иолатан-14 х Наманган-77 (107.7 см), 75007-11 х Иолатан-14 (109.2 см), Наманган-77 х Л-20 (107.6 см) комбинацияларида аниқланди. Барча тўғри ва тескари F_1 комбинацияларида белгининг ўртача кўрсаткичи бўйича реципрок фарқланиш мавжудлиги унинг ирсий назоратида ядровий генлар билан бир қаторда цитоплазматик генларнинг ҳам иштирок этишини кўрсатади.

Бобнинг учинчи бўлимида F_1 комбинацияларида битта ўсимликдаги кўсақлар сони, битта кўсақдаги пахта вазни, тола чиқими, тола узунлиги, маҳсулдорлик белгиларининг ирсийланиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. F_1 комбинацияларида битта ўсимликдаги кўсақлар сони белгиси бўйича ижобий ўта устунлик ҳолати Марварид х 75007-11 ($h_p=13.1$), 75007-11 х Марварид ($h_p=16.3$), Иолатан-14 х 75007-11 ($h_p=4.35$) ва Л-20 х 75007-11 ($h_p=6.85$), Иолатан-14 х Л-20 ($h_p=2.87$), Л-20 х ЎзФА-703 ($h_p=5.0$) дурагайларида, тўлиқ устунлик Иолатан-14 х ЎзФА-703 ($h_p=1.0$) турлараро дурагайида, ота ёки она шакллари томонга оғган ҳолда тўлиқсиз устунлик

**Ота-она шакллари ва F₁ ўсимликларда экишдан-шоналашгача,
экишдан-гуллашгача, экишдан-пишиш (кўсаклар очилиши) гача бўлган
муддат белгиларининг ирсийланиши**

Т/р №	Ота-она шакллари ва F ₁ комбинациялари	Шоналашгача бўлган муддат (кун)		Гуллашгача бўлган муддат (кун)		Кўсак очилишигача бўлган муддат (кун)	
		X ± Sx	hp	X ± Sx	hp	X ± Sx	hp
1	Иолатан-14	47.25±0.75		73.56±0.68		126.00±0.84	
2	Марварид	44.21±0.45		69.94±0.64		120.37±0.69	
3	Наманган-77	47.67±0.53		71.93±0.80		117.33±0.94	
4	75007-11	47.89±0.71		72.37±0.92		118.21±0.90	
5	ЎзФА-703	49.55±0.58		75.40±0.72		121.76±0.92	
6	Л-20	45.16±0.67		71.24±0.84		116.74±0.82	
1	Иолатан-14 х Марварид	43.72±0.58	-1.33	69.08±0.61	-1.36	121.04±0.98	-0.78
2	Марварид х Иолатан-14	44.72±0.62	-0.66	70.31±0.87	-0.73	123.00±0.88	-0.07
3	Иолатан-14 х Наманган-77	45.64±0.66	-6.0	70.64±0.84	-2.33	125.39±0.77	0.86
4	Наманган-77 х Иолатан-14	44.28±0.40	-10.66	70.24±0.88	-2.77	121.52±0.44	-0.02
5	Иолатан-14 х ЎзФА-703	42.46±0.41	-4.83	67.32±0.55	-8.0	119.70±0.66	-2.0
6	ЎзФА-703 х Иолатан-14	46.03±0.73	-1.91	71.30±0.89	-3.55	119.77±0.81	-1.95
7	Иолатан-14 х 75007-11	44.00±0.56	-8.75	68.80±0.64	-7.0	120.90±0.81	-0.30
8	75007-11 х Иолатан-14	44.75±0.74	-7.0	69.60±0.72	-5.66	121.25±0.50	-0.23
9	Иолатан-14 х Л-20	42.93±0.36	-3.3	67.44±0.52	-4.16	121.37±0.58	0.02
10	Л-20 х Иолатан-14	44.50±0.38	-1.7	68.42±0.50	-3.33	120.23±0.67	-0.23
11	Марварид х Наманган-77	40.75±0.55	-2.88	65.45±0.51	-5.5	117.75±0.47	-0.68
12	Наманган-77 х Марварид	44.27±0.74	-0.88	69.43±0.85	-1.5	118.59±0.79	-0.12
13	Марварид х ЎзФА-703	43.15±0.49	-1.37	68.04±0.51	-1.64	119.00±0.57	-3.0
14	ЎзФА-703 х Марварид	46.00±0.44	-0.29	73.00±0.66	0.14	121.72±0.72	0.85
15	Марварид х 75007-11	42.59±1.02	-1.78	68.63±0.99	-1.92	118.67±0.95	-0.54
16	75007-11 х Марварид	43.52±1.04	-1.31	69.74±0.95	-1.07	117.78±1.32	-1.36
17	Марварид х Л-20	43.75±0.66	-2.0	69.96±0.64	-0.85	116.04±0.98	-1.31
18	Л-20 х Марварид	43.67±0.75	-2.0	69.44±0.85	-1.57	114.74±1.25	-2.0
19	Наманган-77 х ЎзФА-703	45.50±0.63	-3.44	71.96±1.06	-0.88	115.33±1.19	-1.82
20	ЎзФА-703 х Наманган-77	47.53±0.83	-1.22	73.06±1.07	-0.33	118.94±1.07	-0.26
21	Наманган-77 х 75007-11	46.05±0.43	-17.0	69.32±0.51	-9.33	116.32±0.59	-2.8
22	75007-11 х Наманган-77	46.04±0.83	-18.0	71.32±0.96	-2.66	115.79±1.07	-3.8
23	Наманган-77 х Л-20	45.67±0.39	-0.53	69.22±0.39	-5.75	114.11±0.73	-9.6
24	Л-20 х Наманган-77	45.77±0.40	-0.53	70.38±0.48	-2.75	114.92±0.95	-7.0
25	ЎзФА-703 х 75007-11	47.50±0.71	-1.5	72.19±0.67	-1.13	115.11±1.06	-2.72
26	75007-11 х ЎзФА-703	45.67±0.66	-3.75	70.96±0.90	-1.93	116.08±1.22	-2.16
27	ЎзФА-703 х Л-20	45.95±0.56	-0.63	71.11±0.57	-1.04	113.84±1.11	-2.07
28	Л-20 х ЎзФА-703	48.24±0.39	0.40	72.62±0.60	-0.33	119.38±0.86	0.07
29	75007-11 х Л-20	46.70±0.78	0.14	70.87±1.03	-1.33	114.22±1.05	-4.0
30	Л-20 х 75007-11	46.71±0.63	0.14	71.54±1.10	-0.5	116.71±1.12	-0.87

Наманган-77 х ЎзФА-703 ($h_p=0.21$), Марварид х Иолатан-14 ($h_p=-0.64$), Наманган-77 х Л-20 ($h_p=-0.89$), ЎзФА-703 х 75007-11 ($h_p=-0.60$), ЎзФА-703 х Л-20 ($h_p=-0.32$) дурагайларида аниқланган.

F_1 ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазни белгисининг *G.hirsutum* L. туричи дурагайларида ижобий ўта устунлик ҳолатида ирсийланиши Наманган-77 х ЎзФА-703 ($h_p=4.0$), ЎзФА-703 х Наманган-77 ($h_p=6.0$), 75007-11 х Наманган-77 ($h_p=5.0$), Наманган-77 х Л-20 ($h_p=2.0$), 75007-11 х Л-20 ва Л-20 х 75007-11 ($h_p=1.5$) комбинацияларида, тўлиқ устунлик ЎзФА-703 х Л-20 ($h_p=1.0$) дурагайида, тўлиқсиз устунлик эса ЎзФА-703 х 75007-11 ($h_p=0.2$), 75007-11 х ЎзФА-703 ($h_p=0.4$) комбинацияларида намоён бўлган. Бу эса, ота-она шакллари - Наманган-77, 75007-11, ЎзФА-703 навлари ва Л-20 линиясининг генотиби турлича эканлиги билан боғлиқдир.

F_1 ўсимликларида тола чиқими белгисини ирсийланиши *G.hirsutum* L. туричи дурагайларидан Л-20 х Наманган-77 ($h_p=8.0$) ва 75007-11 х Наманган-77 ($h_p=2.33$) да ижобий ўта устунлик, ЎзФА-703 х Наманган-77 ($h_p=1.0$) дурагайида тўлиқ устунлик, турлараро дурагайлар - ЎзФА-703 х Иолатан-14 ($h_p=0.72$) ва 75007-11 х Марварид ($h_p=0.33$) да тўлиқсиз устунлик ҳолатларида кечгани қайд этилди.

Тола узунлиги белгиси турлараро Иолатан-14 х Наманган-77 ($h_p=10.0$), Наманган-77 х Иолатан-14 ($h_p=7.0$), Марварид х Наманган-77 ва Наманган-77 х Марварид ($h_p=8.0$), Л-20 х Марварид ($h_p=1.33$), Иолатан-14 х ЎзФА-703 ($h_p=1.50$) дурагайларида ижобий ўта устунлик, ЎзФА-703 х Марварид ($h_p=0.2$) дурагайида эса тўлиқсиз устунлик ҳолатларида ирсийланди.

F_1 ўсимликларида маҳсулдорлик белгиси турлараро дурагайларда асосан юқори кўрсаткичга эга ота ёки она шакллариининг устунлиги ва ўта устунлик ҳолатларида ирсийланди.

Бобнинг тўртинчи бўлимида F_1 чигити (чигит қобиғи тук ранги, тукланганлик даражаси, чигит шакли) белгилари она - она шаклларига боғлиқ ҳолда кечиши, жигарранглилик Иолатан-14 х Л-20, яшил ранглилик Иолатан-14 х 75007-11 ва оқ ранглилик Л-20 х Марварид дурагайларида намоён бўлгани, тўлиқ тукланишнинг устунлиги кўрсатилган. Чигитнинг тухумсимон, овалсимон ва юмалоқ шакллари ўрганилганда, тухумсимон шаклнинг бўйича ЎзФА-703 х Иолатан-14, Л-20 х 75007-11, Л-20 х Марварид, Марварид х ЎзФА-703, Наманган-77 х Л-20 ва Л-20 х Наманган-77 дурагайларида устунлиги намоён бўлган. Ушбу белги бўйича F_1 дурагайларида ота-она шаклларида учрамаган яшил ва оқ рангнинг юзага келишини аллел бўлмаган генларнинг комплементар таъсири билан изоҳлаймиз.

Бобнинг бешинчи бўлимида F_1 дурагайларида морфологик ва хўжалик белгилари ўртасидаги боғлиқлик даражаси маълумотлари келтирилган. F_1 дурагайлар чигитининг жигарранглигининг тола чиқими билан ўзаро боғлиқлик даражаси $r=0.25$ га, тола узунлиги билан корреляцияси $r=0.12$ тенг бўлиб кучсиз ижобий, битта кўсақдаги пахта оғирлиги билан эса кучсиз салбий $r=-0.12$ боғланишга эга эканлиги аниқланди. Дурагайлар чигитининг яшил ранги билан тола узунлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик даражаси

кучсиз ижобий $r=0.15$, яшил туклилик билан битта кўсақдаги пахта оғирлиги ва тола чиқими ўртасидаги корреляция эса мос равишда $r=-0.27$ ва $r=-0.59$ га тенг бўлиб, салбий боғланишда эканлиги қайд этилди (2-жадвал).

2-жадвал

F₁ дурагайларида морфологик ва хўжалик белгиларининг ўзаро корреляцияси


Чигит қобиғи тукининг ранги	Битта кўсақдаги пахта оғирлиги	Тола чиқими	Тола узунлиги
Жигарранг	-0.12	0.25	0.12
Яшил ранг	-0.27	-0.59	0.15
Оқ ранг	0.54	0.30	-0.33
Битта кўсақдаги пахта оғирлиги		0.80	-0.49
Тола чиқими			-0.39

Дурагайлар чигити тукининг оқ ранглигининг билан битта кўсақдаги пахта вазни ва тола чиқими билан ўзаро боғлиқлик даражаси, мос равишда $r=0.54$ ва $r=0.30$ бўлиб ўртача ва кучсиз ижобий, оқ туклилик билан тола узунлиги ўртасидаги корреляция $r=-0.33$ кучсиз салбий даражада эканлиги аниқланди. Тажрибаларимизда чигит қобиғи тукининг жигарранглиги тола чиқими ва тола узунлигининг ўртача бўлишига таъсир этиши кузатилди. Чигит қобиғи тукининг яшил рангда бўлишлиги эса тола сифатининг нисбатан юқори, тола чиқимининг эса нисбатан кам бўлишига таъсир этиши аниқланди. Чигит қобиғи тукининг оқ рангда бўлишлиги тола чиқимининг юқори, лекин тола узунлигининг пастроқ бўлишига олиб келиши қайд этилди (2-жадвал). Олинган маълумотлар таҳлилларига кўра, чигит қобиғи тукининг турли рангларда бўлиши битта кўсақдаги пахта оғирлиги, тола чиқими ва тола узунлиги билан турли даражаларда ўзаро боғланганлиги аниқланди. Битта кўсақдаги пахта оғирлигининг тола чиқими билан ўзаро боғлиқлик даражаси кучли ижобий ($r=0.80$), тола узунлиги билан эса салбий ўртача даражада ($r=-0.49$) боғланганлиги кузатилди. Тола чиқимининг тола узунлиги билан ўзаро боғлиқлик даражаси салбий ўртача даражада ($r=-0.39$) эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Ғўзанинг ўрта ва узун толали навларининг F₂ ўсимликларида морфо-хўжалик белгиларнинг ўзгарувчанлиги**» деб номланган тўртинчи боби ота-она шакллари ва уларнинг иккинчи бўғин дурагайларида морфо-хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги таҳлиliga бағишланган.

Бобнинг биринчи бўлимида F₂ ўсимликлари ўсув даврларининг ўзгарувчанлиги - «экишдан то шоналаш, гуллаш ва кўсақ очилишигача бўлган муддат» бўйича таҳлил қилинганда, экиш-шоналаш, экиш-гуллаш ҳамда экиш-пишиш муддати белгилари бўйича F₂ ўсимликларида ўнг томонлама трансгрессия кузатилиб, бу белгиларнинг ирсий назоратида генларнинг аддитив самараси кучли эканлиги аниқланган. Чап томонлама трансгрессиянинг мавжудлиги ота-она шаклларида нисбатан

экишдан-шоналашгача, гуллашгача, пишишгача бўлган муддат эртароқ бошланадиган тезпишар ўсимликлар ажралиб чиқишига имкон берди. Экишдан-шоналашгача бўлган муддат Марварид навида 43.1 кунни ташкил этган ҳолда, Марварид навини Наманган-77, 75007-11, ЎзФА-703 навлари, Л-20 линияси билан олинган F₂ комбинацияларида қисқароқ муддатларда шоналаган ўсимликларнинг энг кўп фоизи 41-43.9 кунлик кўрсаткичли модал синфда кузатилди. Экишдан-гуллашгача бўлган муддат бўйича трансгрессия мавжудлиги, турлараро дурагайларда ота-она шаклларига нисбатан гуллари эртароқ очилган ўсимликлар пайдо бўлганидан далолат беради. Экишдан-пишишгача бўлган муддат турлараро дурагайларда узоқроқ, *G.hirsutum* L. туричи дурагайларда эса камроқ бўлганлиги ота-она шаклларига нисбатан тезпишар ўсимликлар ажралиб чиққанлиги аниқланган. Сабаби, ота-она шакллари *G.hirsutum* L. ҳамда *G.barbadense* L. турларига мансуб бўлиб, келиб чиқиши, генотипик жиҳатдан узоқ бўлган шакллар эканлиги билан боғлиқ. Мазкур белги бўйича ота-она шаклларига боғлиқ равишда чап томонли трансгрессия экиш-шоналашда 1 синфдан, экиш-гуллашда 1-2 синфлардан, экиш-пишиш муддати белгиси бўйича эса 1-7 синфлардан иборат бўлган тезпишар ўсимликлар аниқланган.




1-расм. F₂ Марварид x Наманган-77 реципрок дурагайларида экишдан-пишишгача бўлган давр белгисининг ўзгарувчанлик кўлами

Экиш-гуллаш муддати бўйича энг кўп ажралган синфлар сони 2 та бўлиб, фақат ЎзФА-703 x Иолатан-14 комбинациясида 2 - синф учрамади, экиш-пишиш муддати бўйича эса синфлар сони деярли барча комбинацияларда 14-17 талиги аниқланди (1-расм). Энг кўп ажралган синфлар сони (4) барча комбинацияларда аниқланди. Ота - она шаклларига боғлиқ ҳолда F₂ комбинацияларида реципрок фарқланиш кузатилди.

Бобнинг иккинчи бўлимида «бош поя баландлиги» белгисининг ўзгарувчанлик кўлами ота-она шаклларида 5 та синфни, F₂ комбинацияларида эса 13 та синфни қамраб олганлиги аниқланди. Ўзгарувчанлик кўлами Наманган-77 навини Л-20 линияси ва Марварид нави билан чатиштириб

олинган F₂ комбинацияларида ва 75007-11 х Иолатан-14 дурагайида 13 синфдан, Иолатан-14 ва Марварид навларини ЎзФА-703, 75007-11 навлари ва Л-20 линияси билан чапиштириб олинган F₂ комбинацияларда ва 75007-11 х Л-20 дурагайида 12 синфдан, Иолатан-14 х Наманган-77 ва Л-20 х 75007-11 комбинацияларида эса 11 синфдан иборат бўлди (2-расм). Барча F₂ бўғин комбинацияларида трансгрессив ўзгарувчанлик мавжудлиги, яъни ота-она навларига нисбатан баланд бўйли ўсимликлар ажралиб чиқиши Марварид х Наманган-77 (127.4 см), Иолатан-14 х Наманган-77 (118.8 см), Марварид х Л-20 (118.4 см), Наманган-77 х Иолатан-14 (112.0 см), Иолатан-14 х 75007-11 ва 75007-11 х Иолатан-14 (116.1 см), Иолатан-14 х Л-20 (116.3 см), Л-20 х Наманган-77 (112.6 см), Л-20 х 75007-11 (110.0 см) дурагайларида аниқланди. Энг кўп ажралган синфлар сони (11) Наманган-77 х Иолатан-14, 75007-11 х Иолатан-14, Марварид х Наманган-77, Наманган-77 х Марварид, Марварид х Л-20, Л-20 х Наманган-77 дурагайларида кузатилди.




2-расм. F₂ Иолатан-14 х ЎзФА-703 реципрок дурагайларида бош поя баландлиги белгисининг ўзгарувчанлик кўлами

Ота-она шаклларида нисбатан ўнг томонга силжиш деярли барча F₂ комбинацияларида кузатилди. Белги бўйича Иолатан-14 навида ўсимликларнинг энг кўп фоизи (29.1%), 75007-11 навида ўсимликларнинг энг кўп фоизи (39.9%) ва Л-20 линиясида ўсимликларнинг энг кўп фоизи (37.7%) 111-120.9 см кўрсаткичли модал синфларда қайд этилди. Марварид навида ўсимликларнинг энг кўп фоизи (39.6%) 101-110.9 см кўрсаткичли модал синфларга тўғри келди. Наманган-77 навида ўсимликларнинг энг кўп фоизи (32.4%), ЎзФА-703 навида ўсимликларнинг энг кўп фоизи (34.6%) 91-100.9 см кўрсаткичли модал синфларга тааллуқли бўлганлиги аниқланди.

Бобнинг учинчи бўлимида битта ўсимликдаги кўсақлар сони белгисининг ўзгарувчанлик кўлами ота-она шаклларида 5 та синфни, F₂ комбинацияларида эса 17 синфни қамраб олгани кўрсатилган. F₂ бўғинида энг юқори ўзгарувчанлик кўлами асосан турлараро дурагайларда қайд

этилиб, 15-16 синфдан, туричи дурагайларида эса 14 синфдан иборат бўлди. Белгининг энг юқори кўрсаткичи Л-20 х Наманган-77 (33,3 дона), ўртача кўрсаткич Марварид х 75007-11 (27,7 дона), энг паст кўрсаткичи эса Иолатан-14 х ЎзФА-703 (18,2 дона) комбинацияларида аниқланди. F₂ комбинацияларида трансгрессив ўзгарувчанлик борлиги, яъни барча F₂ бўғин комбинацияларида ота-она навларига нисбатан кўсаклар сони кўп бўлган ўсимликлар ажралиб чиққани аниқланди. ЎзФА-703 навида ўсимликларнинг энг юқори фоизи (35.7%) 20-22.9 дона кўрсаткичли модал синфларга тўғри келди. Иолатан-14 навида ўсимликларнинг энг кўп фоизи (30.5 %) 17-19.9 дона кўрсаткичли модал синфларда қайд этилди. Марварид навида ўсимликларнинг энг кўп фоизи (30.7 %), Наманган-77 навида ўсимликларнинг энг кўп фоизи (28.1 %), 75007-11 навида ўсимликларнинг энг кўп фоизи (30.2 %) 26-28.9 дона кўрсаткичли модал синфларга тааллуқли бўлди. Л-20 линиясида ўсимликларнинг энг кўп фоизи (28.5 %) 32-34.9 дона кўрсаткичли модал синфларга мос келганлиги аниқланди. F₂ комбинацияларнинг ўртача кўрсаткичлари бўйича деярли реципрок фарқланиш кузатилмади. Иолатан-14 ва ЎзФА-703, Марварид ва Наманган-77, Марварид ва ЎзФА-703, Марварид ва Л-20 тизмасининг тўғри ва тескари комбинацияларида реципрок фарқланиш аниқланди. F₂ ўсимликларида бош поя баландлиги, битта ўсимликдаги кўсакларнинг сони белгиларининг ирсий назоратида генларнинг аддитив самараси кучли эканлиги аниқланди.

Бобнинг тўртинчи бўлимида ота-она шакллари ҳамда F₂ комбинацияларнинг ҳар бирдан 1000 тадан уруғлик чигит қобиғи тукининг ранги, тукланганлик даражалари ҳамда чигит шакли каби кўрсаткичларнинг таҳлили келтирилган. Таҳлиллар чигит қобиғи туки рангининг жигарранг, кулранг, оқ ранг, яшил рангларда бўлишини кўрсатди. Чигит қобиғи тукининг ранги бўйича кулранг – энг кўп, жигарранг – ўртача, оқ ва яшил ранглар нисбатан кам намоён бўлиши аниқланди.



3-расм. F₂ Наманган-77 x ЎзФА-703 реципрок дурагайларнинг чигитлари қобиғи туки ранги белгисининг кўрсаткичлари

Чигит қобиғи туки рангининг кулранглиги ўрганилганда, энг юқори кўрсаткичлар 75007-11 х Л-20 (89.3%), Наманган-77 х Л-20 (88.7%), Л-20 х Наманган-77 (88.2%)ни, энг паст кўрсаткичлар эса Марварид х Иолатан-14 (10.7%), ЎзФА-703 х 75007-11 (11.9%) комбинацияларда қайд этилди. Кулранг бошқа рангларга нисбатан F_2 комбинацияларида нисбатан кўп фоизни ташкил қилди. Дурагайларда чигит қобиғи туки рангининг шаклланишида генларнинг комплементар таъсирида бўлганлиги ота-она шаклларида учрамаган янги кулранг белгининг пайдо бўлишига олиб келди (3-расм). Чигитнинг тўлиқ тукланиши, ўртача тукланиши ва кам тукланиш даражалари бўйича ота-она шаклларида нисбатан фарқланиш кузатилди. Дурагайларда уруғлик чигитнинг шакли (тухумсимон, овалсимон ва юмалоқ) бўйича Марварид ва Наманган-77, Наманган-77 ва Л-20, Иолатан-14 ва ЎзФА-703, Марварид ва ЎзФА-703, Наманган-77 ва ЎзФА-703, Иолатан-14 ва Л-20 тўғри ва тескари дурагайларида реципрок фарқланиш қайд этилди.

Диссертациянинг «Диссертация ишидан олинган амалий натижалар таҳлили» деб номланган бешинчи бобида ишлаб чиқаришда қўлланилган Марварид х Наманган-77, Наманган-77 х Марварид, Марварид х 75007-11, 75007-11 х Марварид, Марварид х Л-20, Л-20 х Марварид, Наманган-77 х Л-20, Л-20 х Наманган-77, 75007-11 х Л-20, Л-20 х 75007-11 F_1 комбинациялари, тажрибамизда ўрганилган F_2 ўсимликларининг маҳсулдорлиги, битта кўсақдаги пахта вазни ва янги Л-20 линиясининг морфо-хўжалик белгиларининг таҳлили кўрсатилган.

Бобнинг биринчи бўлимида ғўзанинг ишлаб чиқаришда қўлланилган Марварид х Наманган-77, Наманган-77 х Марварид, Марварид х 75007-11, 75007-11 х Марварид, Марварид х Л-20, Л-20 х Марварид, Наманган-77 х Л-20, Л-20 х Наманган-77, 75007-11 х Л-20, Л-20 х 75007-11 F_1 дурагайларининг морфо-хўжалик белгиларининг андоза Андижон-36 навига нисбатан кўрсаткичлари таҳлили келтирилган.

Бобнинг иккинчи бўлимида F_2 ўсимликларининг маҳсулдорлиги, битта кўсақдаги пахта вазни андоза Наманган-77 навига нисбатан қиёсий таҳлил қилинган ҳамда генотиплари бойитилган 60 та селекцион ашё якка танлов асосида ажратиб олинганлиги кўрсатилган.

Бобнинг учинчи бўлимида янги Л-20 линияси морфо-хўжалик белгиларининг тавсифи ва бу линиянинг андоза Наманган-77 ғўза навидан устунлик жиҳатлари баён этилган.

ХУЛОСА

“Ғўзанинг ўрта ва узун толали навлари дурагайларида морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги, боғлиқлиги қонуниятларини ўрганиш” бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Экиш-пишиш даври, яъни биологик тезпишарлик белгиси ингичка толали ғўза навларининг F_1 ўсимликларида салбий тўлиқсиз устунлик, ўрта

толали ғўзанинг F_1 ида салбий ўта устунлик, турлараро F_1 ида эса салбий ўта ва тўлиқсиз устунлик ҳолатларида ирсийланиши аниқланди.

2. Бош поя баландлиги белгиси ингичка толали ғўза навларининг F_1 ида салбий ўта устунлик, ўрта толали ғўзанинг F_1 ида салбий ва ижобий тўлиқсиз устунлик ҳамда ижобий ўта устунлик ҳолатларида ирсийланиши, ҳамда турлараро дурагайларда ўрта толали нав оталик шакли сифатида олинганда ирсийланишнинг барча ҳолатлари, оналик шакли сифатида олинган эса белги ижобий ўта устунлик ва салбий тўлиқсиз устунлик ҳолатларида ирсийланиш қайд этилди.

3. Битта ўсимликдаги кўсақлар сони белгиси ингичка толали ғўза навларининг F_1 ида ижобий ва салбий тўлиқсиз устунлик, ўрта толали ғўзанинг F_1 ида салбий тўлиқсиз ва тўлиқ устунлик, турлараро F_1 ида эса асосан ижобий ўта устунлик ҳолатларида ирсийланиши ва ушбу белги бўйича ижобий гетерозис асосан турлараро F_1 дурагайларида кузатилиб, 116.4 % (75007-11 х Иолатан-14) дан то 154.2 % (Л-20 х Иолатан-14) гачани ташкил этди.

4. Битта кўсақдаги пахта оғирлиги белгиси ингичка толали ғўза навларининг F_1 ида паст кўрсаткичли навнинг тўлиқсиз устунлиги, ўрта толали навларнинг F_1 ида асосан ижобий ва салбий ўта устунлик ҳолатларида, турлараро F_1 ида ингичка толали нав оналик шакл сифатида олинганда салбий ўта ва тўлиқсиз устунлик, оталик сифатида олинганда эса салбий ва ижобий тўлиқсиз устунлик ҳолатларида ирсийланиш кузатилди.

5. Тола чиқими белгиси ингичка толали ғўза навларининг F_1 ида салбий тўлиқсиз устунлик, ўрта толали навларнинг F_1 ида асосан салбий ўта устунлик ҳолатларида, турлараро F_1 ида ингичка толали навлар оналик сифатида олинганда салбий ўта устунлик, оталик сифатида олинганда эса салбий тўлиқсиз ва ўта устунлик ҳамда ижобий тўлиқсиз устунлик ҳолатларида ирсийланди.

6. Тола узунлиги белгиси ингичка толали ғўза навларининг F_1 ида ижобий тўлиқсиз устунлик, ўрта толали навларнинг F_1 ида ижобий ва салбий ўта устунлик, турлараро F_1 ида эса ижобий ўта устунлик ҳолатларида ирсийланиш аниқланди.

7. Ота-она шаклларининг тўғри ва тескари F_1 дурагайларида бош поя баландлиги ва битта ўсимликдаги кўсақлар сони бўйича реципрок фарқланишларнинг мавжудлиги бу белгиларнинг ирсий назоратида ядровий генлар билан бир қаторда цитоплазматик генларнинг ҳам иштирок этишини кўрсатди.

8. F_1 дурагайларида чигит тукининг ранги билан битта кўсақдаги пахта оғирлиги, тола чиқими ва узунлиги ўртасида кучли ва ўртача даражадаги ижобий ва салбий, тола узунлиги билан тола чиқими ва битта кўсақдаги пахта оғирлиги ўртасида ўртача салбий, битта кўсақдаги пахта оғирлиги билан тола чиқими ўртасида кучли ижобий корреляция мавжудлиги аниқланди.

9. F_2 популяциялари ўсимликларининг қимматли-хўжалик белгилари ота-она шаклларига нисбатан кенг ўзгарувчанлик кўламига эга бўлиб,

тезпишар, хўжалик белгилари мажмуасига эга генотиплар юзага келишига имкон бериши аниқланди.

10. F₂ дурагайларида чигит тукининг ранги бўйича ота-она шакларида учрамаган янги кулранг белгининг намоён бўлиши генларнинг комплементар таъсири билан боғлиқлиги эканлиги кузатилди.

11. Л-20 линияси ҳосил шохининг чекланганлиги даражаси 99% ни ташкил этиб, ҳосилдорлиги ва битта қўсақдаги пахта вазни белгилари андоза Наманган-77 навига нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.02/30.12.2019.B.53.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕНЕТИКИ И
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ**

**ИНСТИТУТ ГЕНЕТИКИ И ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ
БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ**

ДУСМАТОВА ГУЛБАХОР АБДУРАШИДОВНА

**ИЗУЧЕНИЕ ЗАКОНОМЕРНОСТЕЙ НАСЛЕДОВАНИЯ,
ИЗМЕНЧИВОСТИ, ЗАВИСИМОСТИ МОРФО -ХОЗЯЙСТВЕННЫХ
ПРИЗНАКОВ У ГИБРИДОВ СРЕДНЕ, ДЛИННОВОЛОКНИСТЫХ
СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА**

03.00.09 – Общая генетика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирован в Высшей аттестационной комиссии при кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/В208.

Диссертационная работа выполнена в Институте генетики и экспериментальной биологии растений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.genetika.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Каххаров Иззатулла Тилавович

доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты

Набиев Сайдигани Мухторович

доктор биологических наук, старший научный сотрудник

Эгамбердиева Саида Абдисаматовна

доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация

Ташкентский государственный аграрный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.B.53.01 при Институте генетики и экспериментальной биологии растений (Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, п/о Юқори-юз. Актовый зал института Генетики и экспериментальной биологии растений. Тел.: (+99871) 264-23-90; факс: (+99871) 264-23-90, E-mail: igebr_angruz@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института генетики и экспериментальной биологии растений (зарегистрировано за №__). Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, п/о Юқори-юз. Тел.: (+99871) 264-23-90.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года
(реестр протокола рассылки № «__» от _____ 2021 года)

И.Дж.Курбанбаев

Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.б.н.

Б.Х.Аманов

Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.б.н., с.н.с.

Ш. Юнусханов

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.б.н.,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире уделяется особое внимание созданию сортов средне- и тонковолокнистого хлопчатника, отвечающих современным требованиям производства, высокоурожайных, крупнокоробочных, высоким выходом волокна, устойчивых к болезням, вредителям и стресс факторам внешней среды, их усовершенствованию и повышению сортовой чистоты. «В более чем 80 странах мира возделывается 85% хлопка»¹. Это указывает на важное значение проведения селекционных исследований по созданию новых средне- и тонковолокнистых сортов хлопчатника, конкурентоспособных в мировом рынке, улучшению их хозяйственно-ценных признаков, в частности, скороспелости, урожайности и качества волокна.

В мире проводятся научные работы по использованию, в широком масштабе, гибридизацию отдаленных форм, направленные на улучшение хозяйственно-ценных признаков средне- и тонковолокнистого хлопчатника. В селекционном процессе уделяется особое внимание созданию новых перспективных линий и сортов на основе выявления генетического управления наследования, изменчивости, корреляционной связи морфохозяйственных признаков, качества и выхода волокна у гибридов, повышения показателей полигенного контроля количественных признаков, широкого использования разногеномных видов в скрещиваниях.

В нашей республике в годы независимости со стороны отечественных ученых в хлопководстве достигаются определенные результаты по созданию и внедрению в производство средне- и тонковолокнистых сортов хлопчатника, генетически обогащенные и устойчивые к воздействию разных экстремальных факторов, на основе создания ряда новых средне- и тонковолокнистых сортов с комплексом хозяйственно-ценных признаков. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан² намечаны задачи по “...созданию и внедрению новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур, устойчивых к болезням и вредителям, приспособленных к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям”. Исходя из этих задач, важное научное и практическое значение приобретает подбор родительских форм средне- и тонковолокнистого хлопчатника, сравнительный анализ особенностей наследования, изменчивости и сопряженности морфо-хозяйственных признаков в их гибридах, выявление и внедрение в производство гибридных комбинаций F₁ с эффектом положительного гетерозиса по продуктивности, использование возможностей выделения в F₂ потомстве ценных рекомбинантных форм с обогащенными генотипами.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики

¹www.cicr.org

²Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» за № УП-4947 от 7 февраля 2017 г

Узбекистан №УП-4947 “ О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, №УП-5742 “О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве” от 17 июня 2019 года, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №53 “О мерах по внедрению современных форм организации хлопкового-текстильного производства” от 25 января 2018 года. а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

